

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КАРИМОВА НИЛУФАР ИРГАШЕВНА**

**БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ  
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Каримова Нилуфар Иргашевна**

Болаларда бронхиал астма шаклланишини комплекс баҳолаш  
ва даволашни оптималлаштириш.....3

**Каримова Нилуфар Иргашевна**

Комплексная оценка формирования бронхиальной астмы у детей и  
оптимизация лечения.....23

**Karimova Nilufar Irgashevna**

Comprehensive assessment of the formation of bronchial asthma in children and  
treatment optimization.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....46

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КАРИМОВА НИЛУФАР ИРГАШЕВНА**

**БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМА ШАКЛЛАНИШИНИ КОМПЛЕКС  
БАҲОЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib394 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамсиев Фурқат Мухитдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Агзамова Шоира Абдусаламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бобомуратов Турдикул Акрамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш  
институтини**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н. Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д. И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ёш авлод саломатлигини асраш замонавий тиббиётнинг энг мухим вазифасидир, чунки мамлакатда катталар соғлиғига пойдевор болалиқдан қўйилгани маълум. Дунё мамлакатларида умумий нафас йўллари касалликлари орасида болаларда учрайдиган бронхиал астма (БА) етакчи ўринни эгаллайди. БА симптомлари ҳар қандай ёшда дебют қилиши мумкин, лекин одатда болалиқда пайдо бўлади ва балоғат ёшига қадар давом этади, беморнинг ҳаёт сифатини ва унинг ижтимоий мослашувини пасайтиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунёда бронхиал астма бўлган 300 миллионга яқин бемор қайд этилган...»<sup>1</sup>. Хозирги кунда «...катталар орасида 5%, болалар орасида эса 10% гача тарқалиши кузатилмоқда.....»<sup>2</sup>. Сўнги йилларда эрта ёшдаги болалар орасида бронхиал обструкция (БО) синдроми билан кечадиган респиратор касалликларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Бу ҳолат жуда ташвишлидир, чунки БО синдромининг ўзига хос хусусияти - бу қайталанишнинг юқори фоизи, бу эса БА ривожланишига ва болаларнинг кейинчалик ногирон бўлишига ҳисса қўшади.

Дунёда болалар касалликлари, шу жумладан мухим ижтимоий ва тиббий муаммолардан бири бўлган обструктив бронхит ва бронхиал астма бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Клиник пульмонологиянинг энг қийин муаммоси касаллик хуружларини олдини олиш, касалликнинг ривожланишининг олдини олиш, бронхиал астма билан хасталанган беморларда доимий ремиссия даврларини узайтиришдир. Болалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш Республикамизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, замонавий тиббиёт мақсадли давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган болалар ва ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган.

Республикамизда аҳолининг турли қатламлари орасида, айниқса болаларда бронхопулмонар тизимидаги касалликларнинг эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш бўйича катта натижаларга эришилди. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан аҳолига тиббий ёрдам

<sup>1</sup> ( World Health Organization website, 2014. )

<sup>2</sup> (Бонхиал астмани даволаш ва профилактикасининг глобал стратегияси / А.С. Белевский. М: Россия респиратор жамияти. 2015. 148 б)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

кўрсатиш даражасини ошириш, шу жумладан, ривожланишнинг дастлабки босқичларида БА ни аниқлаш бўйича чора-тадбирларни, диагностика мезонларини ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш, бу ёш авлод болаларининг саломатлигини яхшилашнинг истиқболли илмий йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кенгайтириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Етакчи хорижий пульмонологларнинг аксарият ишларида қайд этилишича, педиатриянинг жиддий муаммоларидан бири бу эрта ёшдаги болаларда бронхиал обструкциясининг (БО) биринчи эпизодларидан бошлаб бронхиал астма ташхисини қўйишдир (Степанова И. Л. 2015; Roberts С.М., Bugler J.R., Melchor R. et al. 2017; Германова О.Н., 2017; Куценко М.А., Чучалин А.Г., 2019; Малахов А.Б., 2019). Айнан шу ёшда нафас олиш аъзоларнинг анатом-физиологик хусусиятларининг ахамияти сақланганлиги учун болаларда кўпроқ бронхиал обструктив синдроми (БОС) билан кечадиган респиратор инфекцияларга чалиниши қайд этилган. Боланинг илк ёшидаги обструктив бронхит билан ҳасталанишидан кейин пайдо бўлган БОС нинг қайталаниши 35-40% да бронхлар гиперреактивлигига олиб келиб, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг 23-39% да бронхиал астманинг ривожланишига олиб келади (Зайцева С.В., 2017; Геппе Н.А., 2018). Дунёда болаларда БОС ва БА билан кечадиган бронхопулмонар патологияларни ўрганиш ва ушбу тоифадаги беморларни бошқариш бўйича табақалаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Соловьева Н.А., 2016; Баранов А.А., 2017). Шу муносабат билан, БОС дан БА га касалликнинг ўзгаришини тартибга солиш ва астмани аниқлаш ва даволаш бўйича тавсияларни такомиллаштириш қонуниятларини ўрганиш долзарблиги шубҳасиздир. Ҳозирги кунда дунёда бронхиал обструктив синдром билан кечадиган касалликларнинг эпидемиологик ва клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик хусусиятларини баҳолаш асосида касалликларни камайтириш бўйича диагностика ва профилактика тадбирларини оптималлаштириш, шунингдек ногиронликни камайтириш ва болаларнинг

ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда (Захарова И.Н., 2018; Мецержаков В.В., 2018; Мизерницкий Ю.Л., 2019). Болаларда бронхиал астма муаммосига бағишланган адабиётлар етарли миқдорда, аммо касалликнинг патогенезини ҳар томонлама ўрганиш ва терапиянинг янги самарали ёндашувларини ишлаб чиқиш тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас, шунинг учун бронхиал астма билан касаланган беморларни кузатиш ва даволаш чуқур тадқиқотларни талаб қилади (Бобомуратов Т.А. ва бошқ., 2014; Шамсиев А.М. ва бошқ., 2017; Чучалин А.Г., 2019).

Шубҳасиз, замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда фақат кенг қамровли текшириш орқали болаларда БА ни тўғри ташхислаш ва даволаш мумкин. Кўпгина ҳолларда, бронхиал обструкция билан кечадиган ўпканинг патологияси жуда эрта болаликдан бошланиб, катта болаларда ва балоғат ёшида давом этади.

БА билан хасталанган болаларда клиник, биокимёвий, иммунологик, функционал ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш ва асоратларни олдини олиш учун патогенезга асосланган коррекцияни кучайтириш аста-секин ривожланишнинг пасайишига, ремиссия даврларининг узайишига олиб келади, бу эса касалланиш, болалар ногиронлигини олдини олишга ва ёш авлод учун фаол ҳаётни таъминлашга ёрдам беради. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш болалар саломатлиги учун асосий вазифалардан бири бўлган БА билан хасталанган болаларда даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Шу муносабат билан ушбу касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш чораларини такомиллаштириш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.1.4. «Болаларда бронхиал астмани босқичма-босқич коррекция ва прогноз мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қайталанувчи обструктив бронхит билан хасталанган болаларда клиник, биокимёвий ва иммунологик хусусиятларни ўрганиш, бронхиал астма эҳтимолини аниқлаш ва даволашнинг дифференциал схемаларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эрта, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда обструктив бронхитларни ва бронхиал астманинг пайдо бўлиши ва хавф омилларини ўрганиш;

D витаминининг аҳамияти, уни обструктив бронхитлар ва бронхиал астманинг клиник кўриниши ва кечишига таъсирини аниқлаш;

обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган болаларда иммунитет, про- ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларини ўрганиш;

бронхиал астмани ривожланишининг олдини олиш мақсадида қайталанувчи ўткир обструктив бронхит билан хасталанган беморларни назорат қилиш ва даволашга комплекс ёндашувини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази назоратида бўлган 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган обструктив бронхит, рекуррент кечувли обструктив бронхит ва бронхиал астма билан хасталанган 185 бола олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва қон зардоби биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган..

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда обструктив бронхит ва бронхиал астманинг шаклланиши ва ривожланишидаги муҳим прогностик хавф омиллари, перинатал ҳолатлар, пассив чекиш, оғирлашган преморбид фон, кўкрак билан боқиш қоидаларини бузилиши, оғирлашган аллергоанамнез, хамроҳ ва ўтказилган касалликлар ўрни исботланган;

D витаминининг роли ва унинг болаларда обструктив бронхит ва бронхиал астма ривожланишининг клиник кўриниши ва таъсири аниқланган;

обструктив бронхит ва бронхиал астма касалликлари бўлган беморларнинг иммунитет, про ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларига D витамининг патогенетик аҳамияти аниқланган;

илк бор обструктив бронхит ва бронхиал астмани қон зардобидеги D витамини таркиби ва иммунитет ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дифференциал даволаш усуллари такомиллаштирилган;

обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган беморларни D витамини ва иммунитетни кучайтирувчи воситаларни қўллаш орқали касалликнинг ремиссия муддатини узайтирувчи комплекс даволаш усулининг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббий муассаасаларнинг амалий фаолиятида болаларда бронхиал астма шаклланишининг хавф омилларини эрта аниқлашга, шунингдек уларни ўз вақтида тўхтатишга ёрдам берадиган кўшимча маълумотлар таклиф этилган;

иммунологик, биокимёвий, функционал ўзгаришларнинг хусусиятлари баҳоланиб, болаларда обструктив бронхитлар ва бронхиал астманинг кўшимча ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган болаларни даволаш учун витамин препаратлари ва иммуномодулятор дори воситаларини ўз ичига олувчи даволаш усуллари ишлаб чиқилган ва тиббиёт муассалари амалий фаолиятига тавсия этилган;

обструктив бронхит ва бронхиал астма билан хасталанган болаларда қайталаниш даражасини камайтириш, узок муддатли ремиссияга эришиш, нохуш оқибатларни олдини олиш имконини берувчи даволашнинг дифференциал усуллари асосланган, болада касалликнинг клиник кечиши,



биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий тиббиёт учун аҳамиятга эга, чунки клиник, биокимёвий, иммунологик ва функционал маълумотларни баҳолаш йўли билан болаларда бронхиал астма ривожланишининг патогенетик механизмларини очиб беради ва республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришни давом эттириш учун замин яратади. Олинган маълумотлар обструктив бронхитлар ва бронхиал астманинг қўшимча ташхис мезонлари сифатида даволашни такомиллаштириш учун имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда витамин препарати ва иммункоррирловчи дори воситаларини қўллаш орқали обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган болаларда дифференциаллашган даволаш усуллари ишлаб чиқилган ва таклиф этилган. Обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган болаларни даволаш комплексига аквадетрим, исмижен киритилиши касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатиб, қайталаниш даражасининг камайиши билан узоқ муддатли ремиссияга эришиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда бронхиал астмани ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Болаларда бронхиал астмани ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-д/207-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда бронхиал обструкцияси билан кечадиган касалликларни бронхиал астмага ўтишининг олдини олишни башорат қилишга, бронхиал астмани қайталаниш даражаси камайиши билан узоқ муддатли ремиссияга эришиш имконини берувчи касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичлар яхшиланишига ёрдам берган;

Болаларда бронхиал астмани ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббий марказларида жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 майдаги 8н-з/35–сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар амалиётга анъанавий даволаш усулларига нисбатан касалликнинг қайталаниш

даражасини икки марта қисқартириш, болалар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **"Бронхиал обструктив синдром билан кечадиган болаларда нафас олиш органлари муаммосининг замонавий аспекти"** деб номланган биринчи бобида, болаларда бронхиал обструктив синдром ва бронхиал астмага тегишли баҳсли масалаларини акс эттирувчи илмий манбалардаги маълумотлар келтирилган. D витаминининг аҳамиятига, цитокин статусининг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилиб, болаларда обструктив бронхитлар ва бронхиал астмага табақалаштирилган ёндашувлари, замонавий даволаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва тадқиқот усуллариининг тавсифи ҳамда болаларда обструктив бронхитлар ва бронхиал астма касалликларини даволашнинг дифференциаллашган схемалари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал, тадқиқот усуллари ва дифференциаллашган даволаш усуллари келтирилган. Обструктив бронхитлар ва бронхиал астманинг учраш даражасини аниқлаш мақсадида 3962 нафар болалардаги бронх-ўпка касалликларида касаллик тарихи таҳлил қилинди. 24,5% болаларда ўткир обструктив бронхит, 20,3% - рекуррент кечувли обструктивный бронхит, 17,4% болаларда бронхиальная астма аниқланди. 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган 185 нафар болада проспектив текширув ўтказилган, улардан обструктив бронхит (ОБ) - 32,4% (60 нафар), рекуррент кечувли обструктив бронхит (РКОБ)- 32,4% (60 нафар) ва бронхиал астма 35,1% (65 нафар) ташкил топган. Назорат гуруҳини шу ёшдаги 20 та соғлом болалар

ташқил этди. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази базасида олиб борилди.

Обструктив бронхитлар Халқаро касалликлар таснифи – 10 (ХКТ-10) ва XVIII Миллий Конгресснинг (2009) нафас олиш аъзолари касалликларига бағишланган махсус кенгашида қабул қилинган болаларда бронх-ўпка касалликлари асосий клиник шакллари таснифига мувофиқ ташхисланди. Бронхиал астма 1997 йилда Россияда ишлаб чиқилган "Болаларда бронхиал астма" миллий дастури ва 2017 йилда чиқарилган GINA дастури мезонларига мувофиқ ташхисланди. Беморларда умумклиник, функционал, биокимёвий, иммунологик текширув усуллари ўтказилди.

Биокимёвий текшириш РИПИАТМ биокимёвий лабораториясида олиб борилди. EUROIMMUN AG томонидан ишлаб чиқарилган EUROIMMUN 25-OH Vitamin D ELISA E150519BY иммунофермент диагностика тест-тизими ёрдамида қон зардобида 25 - гидроксикалсиферол (D витамини) миқдори аниқланди.

Имунологик текширув ЎзР ФА Имунология ва инсон геномикаси институтининг биокимёвий лабораториясида "Мултискан ФС" (Финляндия) ИФ кўп аналитик анализаторида, иммунитет кўрсаткичлари: CD3<sup>+</sup>-, CD4<sup>+</sup>-, CD8<sup>+</sup>-, CD16<sup>+</sup>-, CD20<sup>+</sup> -, А, G, M, E иммуноглобулинлар концентрацияси, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (ФАН), цитокинларнинг (IL-4, IL-8, ФНО- $\alpha$ ; IFN $\gamma$ ) контцентрациясини аниқлаш орқали амалга оширилди.

Ташқи нафас фаолияти кўрсаткичларини (ТНФ) ўрганиш учун РИПИАТМ пулмонология бўлимида Schiller Spirovit SP-1 ускунаси ёрдамида компьютер спирометрия (текширув нормалари Spiro PC software 1.5.0.0. компьютеринг дастурий таъминотига киритилган эди) амалга оширилди.

Дифференциал терапия схемасини танлашда беморларнинг биокимёвий, иммунологик ва функционал маълумотлари ҳисобга олинди.

I гуруҳ (назорат гуруҳ)ни базис терапия (БТ) – гипоалерген парҳез, кун тартиби, кўрсатмалар бўйича антибиотиклар, макролидлар, спазмолитиклар, муколитик ва балғам кўчиручи дорилар, бронхолитик терапияси, тизимли энзимотерапия, антиоксидантлар (аевит, балиқ мойи), антигистаминлар, симптоматик даволаш олган 15 та РКОБ ва 15 та БА билан хасталанган болалар ташқил қилди.

II гуруҳга – қонда D витамин миқдори паст бўлган 20 та РКОБ ва 23 та БА билан хасталанган беморлар. Уларга БТ фонида холекальциферол (Аквадетрим) препарати қўшилган. Дори дозаси қон зардобидаги D витаминининг таркибига қараб белгиланган. Қон зардобидаги D витаминининг миқдори 20-30 нг/мл бўлганида, препаратнинг терапевтик дозаси - кунига 2000 ХБ, таркибида 10-20 нг/мл бўлганида, препаратнинг терапевтик дозаси кунига кунига 3000 ХБ бўлган, таркибида 10 нг/мл дан кам бўлганда препаратнинг терапевтик дозаси кунига 4000 ХБ ни ташқил қилади. Даволаниш муддати бир ой. Даволаниш курсидан кейин беморлар профилактика дозаларига ёшига қараб ўтишди: 1-12 ой, ҳар куни 1000 ХБ, 1 г дан 15 ёшгача - кунига 1500 ХБ.

III гуруҳ – қонда D витамин ва иммунитет кўрсаткичлари паст бўлган 25 та РКОБ ва 27 та БА билан хасталанган болалар. Бу беморларга БТ фониди холекалциферол (Аквадетрим) ва иммуностимулятор Исмижен буюрилди (схема бўйича ҳар куни, эрталаб, 1 таб (7 мг)дан 10 кун давомида. 20 кунлик интервалдан сўнг курс қайтарилиш керак. Беморларни кузатиш касалхонада ва консултатив диспансерда (3, 6 ва 12 ойдан кейин) ўтказилди. Бир йил давомида БА ва РКОБ билан хасталанган 65 нафар беморнинг катамнестик кузатувлари ўтказилди.


Олинган натижаларнинг статистик ишлови Microsoft Office Excel – 2010 пакетида ишланган дастур томонидан амалга оширилди. Ўртача арифметик қиймат (M), уларнинг стандарт хатоси (m) ва Фишер-Стюдент мезони бўйича ишончли фарқларни ҳисоблаш билан вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) усуллари ёрдамида бажарилди.

Диссертациянинг **"Обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган беморларни клиник ва лаборатория тадқиқотлари натижалари"** деб номланган учинчи бобда шахсий кузатув натижалари таҳлил қилинган. 185 та болада ўтказилган ривожланишнинг хавф омилларининг проспектив текшируви шуни кўрсатдики, кўриқдан ўтган беморларнинг аксарият оналари ҳомиладорликнинг турли хил асоратларига эга ва бу БА билан хасталанган беморлар оналари гуруҳида энг катта эди 57 (87,7%). Аборт қилиш хавфи ОБ бўлган беморларнинг оналари гуруҳида катта эди 32 (42,7%). Ҳомиладорлик даврида ўРИ бўлган болалар оналари БА гуруҳида энг катта эди 52 (80,0%). Ҳомиладорлик даврида енгил ёки ўртача оғир шаклдаги камқонлик ОБ билан хасталанган беморларнинг оналарида 64 (85,3%), РКОБ да- 45 (75,0%), БА да эса 54 (83,1%) ташкил қилган. ОБ билан хасталанган беморлар гуруҳида 57 (76,0%) ҳолатида оналар туғруқнинг патологияси кузатилган эди. Чала туғилиш ва асфиксияда эрта туғилиш ОБ билан хасталанган беморлар гуруҳида - 11 (14,7%) ва 38 (50,7%), РК ОБ - 7 (11,7%) ва 14 (23,3%) ҳолатларида, БА билан 4 (6,2%) ва 14 (21,5%) да эди. Ушбу маълумотлар болаларда перинатал ва интранатал патологик белгиларнинг сезиларли частотасини, касалликларнинг ривожланишига таъсир қилувчи хавф омилларидан бири сифатида аниқ кўрсатиб берди. Аллергик касалликлар бўйича ирсий юкланиш I гуруҳ билан таққослаганда II, III гуруҳ беморларида 2 баравар кўпроқ қайд этилган эди. Текширилаётган беморларнинг оғирлигига преморбид фоннинг ноқулайлиги ва хамроҳ касалликларнинг жиддий таъсир қилиши аниқланди. Барча гуруҳларда II - III даражали анемия, рахит асоратлари ва атопик дерматит каби фон ҳолатлари энг кўп учраган. ОБ гуруҳидаги болаларда юқоридаги ҳолатлар катта аҳамиятга эга эди. ОБ ва РКОБ билан хасталанган бемор болаларнинг ота-оналарининг асосий шикоятлари йўтал 120 (100%), нафас қисиши 120 (100%), 74 (61,6%) болаларда тана ҳарорати кўтарилиши, иштаҳасизлик 109 (90,8%), лоҳаслик 91 (75,8%), уйқусизлик 106 (88,3%) учраган. Касалхонага ётқизилганида БА гуруҳида 65 (100,0%) беморларнинг асосий шикоятларидан бири бу балғамли йўтал 65 (100,0%) айниқса ўйғониш даврида, нафас қисиши

65 (100,0%), иштахасизлик 59 (90,8 %), холсизлик 62 (95,4%) , нафас сиқиш хуружлари 52 (80,0%), периорал хириллашлар 52 (80,0%), терлаш 32(49,2%), бош оғриши 29 (44,6%) учраган. БА гуруҳида даволашнинг ўртача давомийлиги  $11,6 \pm 0,3$  кунни ташкил этди.

Иммун ҳолати томонидан қуйидаги ўзгаришлар аниқланди. ОБ билан хасталанган болаларда, соғлом болаларга нисбатан  $CD3^+$ -лимфоцитлар миқдори  $50,9 \pm 0,7\%$  гача камайиши аниқланади ( $p < 0,01$ ).  $CD4^+$  и  $CD8^+$ -лимфоцитлар миқдори норма қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилди. ОБ билан хасталанган беморларда  $CD20 + -$  лимфоцитлар миқдори деярли соғлом болаларга қараганда  $20,8 \pm 0,6\%$  ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ). ОБ беморлар гуруҳидаги  $CD16 +$  лимфоцитларнинг нисбий сони нормал кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада ошди ва  $12,4 \pm 1,2\%$  ни ташкил этди ( $p < 0,01$ ). Нейтрофиллар фагоцитознинг активлаштириш фактори (НАФ) томонидан, ОБ билан хасталанган беморларда назорат гуруҳига нисбатан курсаткичларнинг пасайиши кузатилган ( $p < 0,01$ ). РК ОБ билан хасталанган беморларда, соғлом болаларга нисбатан  $CD3 +$  ва  $CD4 + -$  лимфоцитларнинг нисбий сони ( $p < 0,01$ ) 1,3 ва 1,4 мартага камайди. Соғлом болалар билан солиштирганда  $CD8 +$  лимфоцитларнинг сезиларли даражада пасайиши ( $p < 0,01$ ) қайд этилди. РК ОБ билан хасталанган беморларда  $CD20 +$  лимфоцитларнинг миқдори деярли соғлом болаларга қараганда анча юқори эди ( $p < 0,01$ ). РК ОБ билан хасталанган беморларда  $CD16 +$  лимфотситларнинг нисбий сони сезиларли даражада ( $p < 0,01$ )  $15,8 \pm 0,5\%$  гача камайди. ОБ билан хасталанган беморларда НАФ даражаси соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада камайди ва  $36,1 \pm 1,2\%$  ни ташкил этди ( $p < 0,01$ ). БА билан хасталанган болаларда ўтказилган иммунологик тадқиқотлар натижалари чуқур ўзгаришларни кўрсатмоқда:  $CD3 +$  лимфоцитлар таркибидаги сезиларли пасайиш  $38,7 \pm 0,7\%$  ( $p < 0,01$ ), шу жумладан иммунорегуляцион субпопуляциялар,  $CD4^+$  лимфоцитлар  $25,8 \pm 1$  гача, ОБ ва РК ОБ билан солиштирганда 3% ( $p < 0,01$ ) ва  $CD8 +$  лимфоцитлар  $13,9 \pm 0,6\%$  гача ( $p < 0,01$ ). БА билан хасталанган беморларда  $CD20 + -$  лимфоцитларнинг миқдори ОБ ва РК ОБ бўлган болаларга қараганда анча юқори бўлди ва  $34,7 \pm 0,5\%$  ташкил этди ( $p < 0,01$ ). Шу гуруҳида  $CD16 +$  лимфоцитларнинг нисбий сони сезиларли даражада ошди ва  $17,6 \pm 0,8\%$  ни ташкил этди ( $p < 0,01$ ). БА билан хасталанган беморлар гуруҳидаги НАФ индексларининг таҳлили ОБ билан хасталанган беморларга нисбатан  $36,1 \pm 1,2\%$  гача бўлганлигини кўрсатди ( $p < 0,01$ ).


Цитокинлар ҳолатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ОБ бўлган болаларда  $IL-4$  ишлаб чиқарилиши соғлом болалар билан солиштирганда  $18,9 \pm 0,3$  пг / мл га кўпайди (1-расм).



**1-расм. Текширилган болаларда цитокинлар миқдори, мг/ мл**

PK ОБ билан хасталанган беморларда IL-4 ишлаб чиқариш сезиларли даражада  $21,3 \pm 0,3$  пг/мл гача кўтарилди ( $p < 0.01$ ), бу нормадан 4,6 баравар юқори. БА билан хасталанган беморларда IL-4 ишлаб чиқариш миқдори  $26,7 \pm 1,4$  пг/мл гача кўтарилди. Яллиғланишга қарши цитокиннинг ИЛ-4 табиий кўпайиши барча текширилган гуруҳларда кузатилади, аммо у БА да нормадан 5,8 баравар ортиқроқ кузатилди. ОБ билан хасталанган болаларда IL-8 таркибини таҳлил қилганда, у соғлом болаларга нисбатан сезиларли даражада  $32,5 \pm 2,8$  пг/мл гача кўтарилди ( $p < 0.01$ ). PK ОБ билан хасталанган беморларда IL-8 нинг ишлаб чиқариши  $89,5 \pm 3,9$  пг/мл гача кўтарилди ( $p < 0.01$ ), бу нормадан 4,7 баравар юқори. БА билан хасталанган беморларда IL-8 ишлаб чиқариш миқдори  $100,9 \pm 7,7$  пг/мл гача кўтарилди. Яллиғланишга қарши цитокин IL-8 табиий кўпайиши барча кўриб чиқилган гуруҳларда кузатилади, аммо у БА да нормадан 5,2 марта ошиб, аниқроқ намоён бўлади.


Текширилган болаларнинг қон зардобида D3 (25 (ОН)-D) витаминининг мавжудлиги БА билан хасталанган болаларда у  $13,64 \pm 1,4$  нг/мл гача сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди, ўртача кўрсаткичдан 3,2 баравар паст. Бу соғлом болалар гуруҳи ( $30,08 \pm 3,2$  нг/мл;  $p < 0.001$ ) ва ОБ ва РК ОБ гуруҳлари билан солиштирганда анча паст эди ( $24,11 \pm 3,2$  нг/мл ва  $19,39 \pm 1,2$  нг/мл,  $p < 0.01$ ) (2-расм).



**2-расм. Текширилган болаларда D витамининг кўрсаткичлари, ng/ml**

БА ва назорат гуруҳи билан D витамини таъминланиш даражасининг солиштирганда, фарқлар аниқланмади ( $p = 0,39$ ). Олинган натижалар БА ва назорат гуруҳи ўртасида D витамини миқдорида сезиларли фарқларнинг йўқлигини тушунтиради ( $p = 0,927$ ). РК ОБ ва БА билан хасталанган болаларда

D витамини билан таъминланиши сезиларли даражада фарқ қилди - D витамини етишмовчилиги кўпроқ учраган ва БА да норма кўрсаткичлари камроқ учраган ( $p=0.017$ ). ОБ да D витамини етишмовчилик даражаси сезиларли билинмаган. D витамини билан таъминланиши БА билан болалардаги касалликнинг оғирлигига боғлиқ эди, ва етишмовчилик даражаси анча юқори эди (3-расм).



### 3-расм. Текширилган болаларда D витамини билан таъминланиш даражаси, (%)

БА да D витамини миқдори етишмовчилик ва етишмаслик даражаси назорат гуруҳига ва ОБ га нисбатан кўпроқ учрайди ( $p=0,034$  ва  $p=0,017$ ). Шундай қилиб, бронхиал астмада D витамини етишмовчилиги бошқа омилларга нисбатан хавфлироқ ҳисобланади.

Анамнезида БОС бор болаларга спирографияни ўтказилди. Шунда уччала гуруҳ болаларида ўпка вентиляциясининг обструктив тури юқори бўлди: ЎОБ 8 (66,6%), РК ОБ 20 (52,6%), БА 37 (74%) ва барча гуруҳларда паст миқдорда вентиляциянинг бузилишини аралаш тури аниқланди. : ЎОБ 1(8,3%), РК ОБ 9 (23,6%), БА 13 (26%). Хар бир гуруҳда ташқи нафас функциясини (ТНФ) кўрсаткичларни сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди. Шулардан юқори ўзгаришлар D витамини етишмовчилиги бор болаларда аниқланди. Энг кучли бузилишлар БА билан хасталанган болаларда кўзатилди. D витамини камайган болаларда МОС75 га нисбатан МОС25 сонининг камайиши аниқланди, бу обструктсиянинг проксимал турига тўғри келади, D витамини етишмовчилиги бўлган болаларда эса МОС кўрсаткичларининг бир хил пасайиши кузатилади, бу эса обструктсиянинг тотал турига тўғри келади. Спирометрик тадқиқотлар ёрдамида ҳажм ва тезлик кўрсаткичларининг пасайиши кузатилди.

D витамини ва ТНФ ўртасидаги корреляцион алоқаларни ўрганаётганда қуйидаги маълумотлар олинди. РК ОБ бўлган гуруҳда D витамини ва ФНХ1 ўртасидаги ўртача ижобий кўрсаткич ( $r=0,386$ ) кузатилди. Бронхиал астма билан эса барча учта ФНХ индексларида юқори салбий корреляцион боғлиқлик кузатилди (ФНХ1  $r= -0,753$ ; Тиффно индекси  $r = -0,709$ ; МОС50  $r = -0,668$ ). Шундай қилиб, олинган маълумотлар D витамини ва БА даги ТНФ нинг ўртасидаги яқин корреляцион алоқани кўрсатади, бу D витамини бронхиал астманинг оғирлигига таъсирини кўрсатади ва унинг камайиши касалликнинг оғирлигини кучайтиради.

D витамини камайиши иммунитет тизимининг ҳолатига бевосита ёки билвосита таъсир қилиши маълум. Шу муносабат билан қон зардобидаги D

витамини миқдори ва хужайрали ва гуморал иммунитетнинг баъзи параметрлари ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Текширилган болаларда D витамини ва хужайрали ва иммунитет ўртасидаги муносабатни тавсифлаш**

Кўрсаткичлар	D витамини			P	P1
	ОБ	РКОБ	БА		
Эозинофиллар	-0,259	-0,369	0,757	<0,05	<0,001
CD4+	-0,074	0,007	-0,447	<0,01	<0,01
CD8+	0,730	0,126	0,461	<0,001	<0,05
CD16+	0,417	-0,539	0,019	<0,001	<0,001
CD20+	0,0121	0,466	0,615	<0,01	<0,01
CD23+	0,553	-0,120	0,690	>0,05	<0,05

Хужайрали иммунитетни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, D витамини ва CD8+ ( $p=0,730$ ) ўртасида юқори ижобий муносабатлар мавжуд бўлиб, бу инфекцияга қарши юқори ҳимоя борлигини ва CD16 + ва CD23 + ( $p = 0,417$ ;  $p= 0,553$ ) билан ўртача ижобий муносабатни кўрсатди ( $p=0,417$ ;  $p=0,553$ ). D витамини хужайрали иммунитетни фаоллаштириш ҳақида маълумот беради. БА гуруҳида D витамини ва эозинофиллар, CD20 + ва CD23 + ўртасида юқори ижобий муносабатлар мавжуд ( $p = 0,757$ ;  $p = 0,615$ ;  $p = 0,690$ ), CD8 + билан ўртача ижобий муносабат ( $p = 0,461$ ) ва CD4+ билан ўртача салбий муносабат ( $p = -0,447$ ). )

Текширилган гуруҳларда VD ва A,M,G,E иммуноглобулинлар, IL-4, IL-8, TNF $\alpha$ , IFN $\gamma$  ўртасидаги корреляцион таҳлил, айниқса БА билан гуруҳда юқори ижобий ва салбий корреляцион муносабат мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Текширилган гуруҳлардаги болаларда D витамини ва гуморал иммунитет ўртасидаги муносабатни тавсифлаш**

Кўрсаткичлар	D витамини (r)			P	P1
	ЎОБ	РКОБ	БА		
IgA	0,402	-0,199	0,229	>0,05	<0,05
IgM	0,012	-0,083	0,017	<0,05	<0,001
IgG	0,006	0,148	0,222	<0,01	<0,001
IgE	0,142	-0,258	-0,663	<0,01	<0,01
IL-4	-0,242	0,430	0,727	<0,001	<0,05
IL-8	-0,412	0,571	-0,456	<0,001	<0,001
TNF $\alpha$	-0,243	-0,044	-0,551	<0,01	<0,01
IFN $\gamma$	-0,030	-0,105	0,230	>0,05	<0,05

Ушбу бобда келтирилган тадқиқотлар натижаларини сарҳисоб қилсак, болаларда бронхиал астма салбий пери ва интранатал даврлар фониди, ирсий томондан оғирлашган преморбид фон, юқумли ва юқадиган касалликлар, иммунитет тизимининг функционал етишмовчилиги, касалликнинг нохуш



ривожланишига ҳисса қўшади деган хулосага келишимиз мумкин. D витамини даражасининг пасайиши, касалликнинг ноҳўя кечишига олиб келади, ушбу маълумотлардан фойдаланиб шу тоифадаги беморларни даволашига ва ўз вақтида коррекция киритишга имкон беради.

Диссертациянинг **"Болаларда обструктив бронхит ва бронхиал астманинг ўткир ва такрорий шакллари даволашда комплекс ёндошишни асослаш"** деб номланган тўртинчи бобида, обструктив бронхитлар ва бронхиал астма билан хасталанган беморларни даволашда дифференциал ёндошув ёритилган.

РКОБ билан хасталанган беморларни дифференциал даволашнинг клиник самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, II ва III гуруҳларда, дифференциал даволаш ўтказилганда, интоксикация белгилари қисқа вақт ичида тўхтаган, қуруқ ва нам йўталнинг давомийлиги базис даволашда бўлган болалар гуруҳига қараганда сезиларли даражада камайди ( $p < 0,001$ ). Нафас қисилиши давомийлигининг пасайиши кузатилди ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,01$ ), назолабиал учбурчакнинг цианози ( $p < 0,01$  ва  $p < 0,001$ ), оғизда тошмалар ( $p < 0,05$  ва  $p < 0,05$ ). Дифференциал даво олган II ва III гуруҳ беморлари учун касалхонада госпитализация муддати  $8,4 \pm 0,1$  ва  $8,2 \pm 0,0,2$  кунгача, I гуруҳда эса  $9,3 \pm 0,0,3$  кунгача қисқарди ( $p < 0,01$ ).

РКОБ билан хасталанган беморларда D витамин миқдorigа дифференциал даволашнинг таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, I гуруҳ кўрсаткичлари  $21,3 \pm 0,4$  нг/мл ( $p < 0,001$ ) билан солиштирганда, II ва III гуруҳ болаларида қон зардобида D витамини даражасини нормаллаштириш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу D витаминининг  $31,3 \pm 0,3$  нг/мл ва  $32,5 \pm 0,1$  нг/мл ( $p < 0,001$ ) гача ошиши билан намоён бўлди.

Дифференциал даволанишдан сўнг III ва III гуруҳ болалардаги иммун тизими кўрсаткичларнинг бир қатор ўзгаришлари аниқланди, бу иммунитет параметрларининг янада кўпроқ стабиллишига олиб келганидан далолат беради. Терапия курсининг охирига келиб, I гуруҳ кўрсаткичлари ( $p < 0,01$ ) билан таққослаганда, II ва III гуруҳ болаларида CD3 + ва CD4 + лимфоцитларнинг нисбий сонида сезиларли ўсиш кузатилди. II гуруҳ маълумотлари ( $p < 0,01$ ) билан таққослаганда CD3 + - ва CD4 + - лимфоцитларнинг қиймати 1,19 ва 1,43 марта ошди. Комплекс даволашни қабул қилган III гуруҳ болаларидаги CD8 + - лимфоцитлар даражасининг динамикаси, I гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирганда, кўрсаткичларнинг пасайганлигини кўрсатди ( $p < 0,01$ ). Худди шу ҳолат CD8 + кўрсаткичлари томонидан ҳам кузатилди ( $p < 0,01$ ).

Дифференциал даволанишнинг натижасида РКОБ билан хасталанган беморларда цитокин ҳолати кўрсаткичларига таъсири таҳлили шуни кўрсатдики, III гуруҳдаги IL-4 даражаси I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,7 баравар ва соғлом болаларга нисбатан 4,7 баравар камайди. III гуруҳ беморларида комплекс даволаш натижасида IL-8 даражаси I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 2,2 мартага ва соғлом болаларга нисбатан 4,6 баравар камайди. III гуруҳдаги TNF $\alpha$  даражаси динамикасининг таҳлили I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,6 мартага ва деярли соғлом

болаларга нисбатан 3,4 мартага пасайганлигини кўрсатди. III гуруҳ болаларида комплекс даволаш таъсирида, I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда ИФНү нинг 1,6 мартага кўпайиши қайд этилди.

БА билан хасталанган беморларни базис даволаш комплексида дифференциал даволаш самарадорлигини аниқлаш учун касаллик динамикасида клиник синовлар ёрдамида баҳоланди. Комплекс терапиянинг клиник самарадорлиги таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий даволашда бўлган болалар гуруҳига нисбатан, II ва III гуруҳдаги дифференциал даволаниш пайтида интоксикатсия аломатлари анча тез тўхтади, куруқ ва нам йўтал давомийлиги сезиларли даражада камайди ( $p < 0,001$ ).

